

DAVLAT CHEGARASI ORQALI O'TKAZISH PUNKTLARIDA POTENSIAL TERRORIST JANGARILARINI ANIQLASHNING O'ZIGA XOSLIGI

Xikmatov R.P.

O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari Akademiyasi
Chegara qo'shnlari taktikasi va xizmati kafedrasi boshlig'i

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Davlat chegarasi orqali o'tkazish punktlarida potensial terrorist jangarilarini aniqlash bo'yicha oid asosiy qoidalari bayon qilingan, shuningdek, xavf-xatarlar tahlil qilinib va ular asosida chegara nazoratini amalga oshirish bo'yicha tavsiyalar va takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: potensial terrorist jangari, o'tkazish punkt, chegara nazorati, internet, terrorizm, ekstremizm.

ABSTRACT

The current article describes main principles of identifying potential terrorist fighters at state border controls. Moreover, it is analyzed threats and on the basis of them made possible recommendations in increasing border control.

Keywords: potential terrorist fighter, checkpoint, border control, Internet, terrorism, extremism.

АННОТАЦИЯ

В данной статье изложены основные правила по порядку выявления потенциальных боевиков террористов, также осуществлён анализ угроз, и на основе их выработаны предложения и рекомендации по осуществлению пограничного контроля

Ключевые слова: потенциальный боевик-террорист, пункт пропуска, пограничный контроль, интернет, терроризм, экстремизм.

Бугун қўшни давлатлардаги геосиёсий вазият, терроризм ва диний экстремизми Афғонистонда ва Мисрдаги фаоллашуви бутун дунёга ҳамда Марказий Осиё давлатларнинг миллий хавфсизлигига ўз салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Жаҳоннинг айрим нуқталарида, турли хил мағкура марказлари ўз ғараз ниятларига эришишда Марказий Осиё давлатларнинг фуқароларидан «Курол» сифатида мигрантларни ёвламоқда, улар асосан ўсиб келаётган ёш авлод.

Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва хушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда. Шу боис юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак.

Айрим гегемон қудратли давлатларнинг ўз миллий манфаатларини рўёбга чиқаришда хизмат қиласидиган кучлар бу сир эмас террористик ташкилотлар. Мақсади ягона - давлатнинг тинч ҳаётни издан чиқариш, хокимият тепасига айнан ўз вакилини қўйиш, ҳамда давлатларнинг ҳарбий кучлардан фойдаланишни устувор восита ҳисоблаши одат тусига кириб бормоқда.

Бу эса дунёning турли минтақаларидаги зиддият ва қарама-қаршиликларни ечиш ўрнига, аксинча, янги уруш ўчоқларини пайдо қилмоқда. Бугунги кунда террористик хужум хавфидан ҳоли мамлакатлар, деярли, қолмади. Ҳозирги вақт дунёда халқаро террористик ташкилотлар сони 820 тани ташкил қилиб (300 минг жангари атрофида), улар жаҳоннинг барча давлатларида “мудроқ ҳолдаги” яширин гурухларни ташкил қилиш бўйича фаол ҳаракат олиб бормоқда.

Таъкидлаш лозимки, 2022 йили Глобал терроризм индексида («Global Terrorism Index», дунёда террорчилик фаолияти даражасини таҳлил қиласи) дунёдаги 163 та мамлакат орасида Ироқ биринчи ўринни, Афғонистон – 2, Сурья – 4, Покистон – 5, Россия – 34, Хитой – 36, Тожикистон – 74, Қозогистон – 75, Қирғизистон – 80 ва Туркменистон – 138 (Ўзбекистон – 132) ўринни эгаллаган [5].

Таҳлилий маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда дунёning қатор етакчи давлатлари ўртасидаги геосиёсий рақобат уларнинг энергия захираларига бой минтақаларга эгалик ёки назорат қилиш каби масалалар устида кечмоқда.

Мазкур ҳолатда Марказий Осиё минтақаси ўзининг қулай географик жойлашуви, мавжуд табиий бойликлари, шунингдек дунёning айрим етакчи давлатларининг стратегик манфаатлари тўқнашган ҳудудлиги сабабли дунёning “куч марказлари” учун муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Марказий Осиё минтақасига таъсир қилувчи омилларнинг ўзига хослиги бу масалаларни яна бир бор кўриб чиқиш заруратини туғдирмоқда. Жумладан:

турли халқаро террорчи ташкилотлар жангарилари фаолиятининг мавжудлиги ва фаоллашуви, хусусан Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик

тизимиға бевосита таъсир кўрсатувчи Афғонистон худудида қуролли тўқнашувларнинг давом этаётганлиги;

минтақанинг айrim давлатларида ички сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг мураккаблашуви кузатилаётганлиги;

турли радикал-экстремистик тузулмаларнинг мавжудлиги, маҳаллий аҳоли орасида диний қарашларнинг кескинлашуви ва радикал кайфиятлар юқорилаётганлиги;

Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар ўртасидаги чегараларининг делмитация ва демаркация муаммоларини мавжудлиги;

уруғ-аймоқчилик ва миллатчилик муносабатларидаги кескинлик, коррупция, қашшоқлик ва ишсизлик даражасининг юқорилиги;

охирги пайтларда инсон саломатлиги ва ҳаётига хавф туғдирувчи вирусларнинг пайдо бўлаётганлиги;

наркотик ва қурол-яроғларнинг ноқонуний савдоси, трансмиллий уюшган жиноятчилик, ноқонуний миграция ва одам савдоси каби умумий хатарлар сақланиб қолаётганлиги;

миграцион жараёнларни кескин ривожланиши ва уларнинг чегара назоратига таъсир этиши [6].

Сўнгти йилларда ақидапараст оқимлар, асосан “Интернет” сайтлар диний экстремистик мазмундаги материаллар орқали инсон мағқурасига таъсир ўтказмоқда, мақсад “хужралар” ташкил этиш. Бундай интернет сайтлар тўсатдан пайдо бўлади, вақт ўтгач йўқолади, мазмунини ўзгартирган ҳолда, тез-тез номланиши ва номини ўзгартириб туради [2].

Интернетнинг террористлар учун қулай жиҳатлари:

- интернетга киришнинг осонлиги;
- фойдаланувчилар сонининг кўплиги;
- алоқанинг анонимлиги;
- ташқаридан бошқариш ва таҳрир қилиш чекланганлиги;
- ахборотлар қисқа муддатда кенг маконда тез тарқалиши [2].

Таъсир остида бундай шахслар чет эл террорист-жангарига айланиб қолмоқда. Бирлашган мамлакатлар ташкилоти (БМТ) хавфсизлик кенгаши ташкилотининг резолюциясида чет эл террорист-жангари ҳақида тушунчасига қуидагича таъриф берилган - улар ўзларининг фуқаролиги бўлмаган давлатларига бориб, террористик ҳаракатини намойиш қилишга ёки террористларни тайёрлашга ҳамда террористик ҳужумларни ташкиллаштиришга ёки ушбу ҳаракатларни олиб боришга тайёргарлик кўраётган фуқаролар хисобланади.

Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида террорист жангариларини аниқлаш учун хавф хатарларни аниқлай олишимиз ва уни бартараф этишда олдиндан чора кўриш услублари кўпроқ кўл келади ва чегара назоратининг самарадорлигини ошириб беради. Шу боис чегарачилар томонидан давлат хавфсизлигини таъминлаш масаласи, стратегик вазифага айланди.

Террористларнинг қалбаки ҳужжатларини ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйиш мақсадида чегара назорати ҳарбий хизматчиларни билим савиясини ҳар доим ошириб бориш, ушбу шахсларни аниқлашда замонавий усулларини ўргатиш масаласи муаммо бўлиб келмоқда.

Сўнги йилларда ўтказиш пунктларида террорист-жангариларини аниқлаш учун профиллаш усулидан кенг қўлланилмоқда. Профиллаш – бу тадбилар мажмуаси яъни йўловчиларни хавф хатар гурухига бўлиш, уларнинг ичидан айрим йўловчиларга нисбатан белгилари ёрдамида шубҳа уйғотиш, кейинчалик бу шахсларни синчиковлик билан текшириш, мақсад Давлат чегараси орқали, божхона ва чегара қоидалари бузғунчисини аниқлаш. Профиллашнинг мақсади - асосли равишда қайсиdir шахсни батафсил текшириш.

Илк бор профайлинг усули 1970-йил Истроил Авиакомпанияси томонидан террористларни аниқлашда қўлланилган, шунингдек 1984-йилларда Европанинг бошқа давлатларида ва АҚШда қўлланилган.

Айни вақтда ўтказиш пунктларда чегара ва божхона назоратида, қидиув ва тергов соҳаларида профайлинга бўлган талаб ошиб бормоқда. Профайлер мутахассислар иш жараёнидаги аниқлик ва тезкорликни ошириш имконини яратади ва хатога йўл қўймайди.

Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида террорист жангариларини аниқлашнинг ўзига хослиги, биринчи навбатда хавф хатарларни билишимиз керак. Хавф хатар – эҳтимолий юз бериши мумкун бўлган ноҳуш холатлар. Ёки хавфли холатни назоратда чиқиб кетиши ва уни жиддий ўзгариши ва воқеаларни кейинги бориши, таъсир этиши.

Ўтказиш пунктларда хавф хатарга қуйидаги омиллар таъсир қўрсатади:

1. Хавф хатар - унинг масштаби ва эҳтимоли.
2. Хавф хатарнинг - даражаси.
3. Хавф хатарнинг - таъсири.

Назоратчилар учун потенциал террорист-жангари билан сухбат ўтказиш давомида муҳим:

вазиятни назорат қилиш;
провокацияга бормаслик;
қаттиқ ёки паст охангда гапириш керак эмас;
қисқа ва лўнда саволлар бериш керак;

диққат билан әшитиш;
жестлар ва тана ҳаракатини назорат қилиш.

Потенциал чет әл террористик жангарини күриниши:

1. Эркаклар 20 - 35 ёшгача энг зўр ёш. Моддий қийналган, кризисга тушган, жиной үтмиш, руҳий касал, заиф, оиласи нотинч ажрашган, диний ақидапараст, чет элда иш топамаган, қасос олмоқчи, махсус агентлар томонидан ёвланган.

Эҳтимолий маршрут - Ливия, Сирия, Ироқ, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Тоджикистон, Афғонистон, Туркия ва Африкани 4-5 нотинч Давлатларида бўлган. Аломатлари – ярадор, шрам, баданида наколкалар мавжуд, мигрантлар.

2. Оила болалари билан. Эр хотин кетаётганда йўловчилар ичида алоҳида туришибди. Аёли уруш худудига эрини олдига кетяпти. Ёш оила, болаларисиз, кетиши мақсади туризм, пул маблағлари камлиги.

3. Ёш қизлар ташкил қиласи 18-26 ёш, қиз ёлғиз севган йигити билан учрашувга кетяпти. Замонавий Европа усулида кийинган ёки хижобда. Юки жудаям оз. Кетиши мақсади: туризм ёки романтик сайёҳат. Оғир үтмиши билан ёлғиз эри ташлаб кетган яқинлари уйга қабул қилишмади, ният эр топиш Интернет орқали.

Бунинг сабаблари:

- ҳаётдаги қийинчиликларни енгишда ожизлиги;
- ташқаридан ёрдамчи кучга бўлган эҳтиёжнинг пайдо бўлиши;
- ота-онанинг фарзандларга нисбатан назоратини сусайиш;
- ислом дини ва экстремистик ғояларни бир-биридан ажратса олмаслиги.

Терроризмга қарши курашда ёшларимиздан қуйидагилар талаб қилинади: асосий эътиборни чукур билим олиш, маънавий ва жисмоний камолотга қаратиш, ўткинчи нарсаларга ўралашиб қолмаслик, ота-она, устоз мураббийлар, маҳалладаги оқсоқол ва онахонларнинг насиҳатларини олиш ва уларга амал қилиш;

турли динний экстремистик ташкилотларга аъзо шахсларнинг, гўёки ислом динини ўргатишни ваъда қилаётган шубҳали шахслар билан мулоқот қилмаслик;

ижтимоий-сиёсий билим савияси, ҳуқуқий саводхонликни ошириш;

ноқонуний тарзда чоп этилган диний мазмундаги адабиёт, диск, мобил телефонлардаги маъруза ва лавҳаларни олиб юрмаслик;

“Интернет” тизимида диний экстремизм ва терроризмни тарғиб қиладиган сайтларга кирмаслик;

ноқонуний тарзда диний сабоқ бериладиган “хужралар” ва “отинойилар”га бормаслик.

ХУЛОСА

Терроризмнинг келажаги йўқлиги аниқ. Унинг фаолиятига эртами – кеч барibir чек қўйилади. Бироқ ғаламисларнинг ғоялари унга эргашган ёшлар орқали худди вирус сингари тарқамоқда. Бу эса катта йўқотишлар ва оғир вазиятларга олиб боради. Энг ёмони, уруш сабабли дунёдан кўз юмган минглаб одамларни энди ҳаётга қайтариб бўлмайди. Бу террористик ташкилотларнинг фаолият олиб бораётган мамлакатлардаги холат [1].

Салбий таъсир шу худуд билан чекланиб қолмайди. Хориждан келиб, урушга келиб қўшилган қанчадан – қанча ғур ёшлар шу ерда ҳаёт билан видолашади. Омон қолганлари эса эртага юртига қайтиб боргач қўпорувчи ғоялар манбаига айланади. Ўз мамлакатларида ҳам бузғунчилик кайфиятида яшайди. Айримлари амалий фаолиятига ҳам киришади. Бундай террорчилик ташкилотлари ҳамма мамлакатлар учун каттагина муаммога айланди, тинчлик ва барқарорликка хавф солмоқда [1].

Ўтказиш пунктларда йўловчилар ичидан чет эл террористик жангарини аниқлаш учун таклиф этаман:

- терроризмга қарши кураш бўйича меёрий ҳужжатларни ҳамда ўтказиш пунктларида потенциал террористларни аниқлаш бўйича хорижий тажрибаларни чуқур ўрганиш ва хизмат фаолиятига татбиқ этиш;
- сифатли чегара ва божхона назоратини амалга ошириш ва доимий равища да хавф-хатарларини таҳлил қилиб бориш ва маълумотлар билан тез-тез алмасиши.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Тулепов А.М. Ишид фитнаси. Ижтимоий-диний-маърифий нашр. – Т.: “Мовароуннахр”, 2015.
2. Маълумотлар тўплами “Ислом ниқоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмалар”. – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2015.
3. Книга профайлинг. Технологии предотвращения противоправных действий: Учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальностям “Юриспруденция” и “Правоохранительная деятельность”/ [Ю.М. Волынского – Басманова], под редакцией Ю.М. Волынского – Басманова, Н.Д. Эриашвили. – М.: ЮНИТИ-ДИАНА: Закон и право, 2012.-223 с.
4. Учебно-методическое пособие по методам выявления лиц, имеющих отношение к деятельности международных террористических бандформирований, контрабандистам, лицам, следующим через Государственную границу с нарушением правил её пересечения- Т.:2016.1 17 с.
5. Глобал терроризм индексида «Global Terrorism Index». Отчет за 2022 г.
6. Ибрагимов М.М. Опыт боевого применения Вооруженных сил зарубежных армий в военных конфликтах современности. // -Т. 2017.